

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИШЛАР ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА

Жорий йил 1 майдан 24 майгача Сув хўжалиги вазирлигининг расмий канали орқали ижтимоий сўров ўтказилди (<https://t.me/TGminwater/23468>).

“Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб ҳисоблайсизми?” мавзусидаги онлайн сўровда **366** нафар респондент овоз берди.

Улардан **31** фоизи **“Ҳа, етарли даражада”** деган жавобни белгилаган.

28 фоизи **“Йўқ, етарли эмас”** жавобини берган бўлса, **9** фоизи коррупция мутлақо йўқ, деб ҳисоблайди. Респондентларнинг **13** фоизи ушбу саволга жавоб беришга қийналишини айтган.

Натижалардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, **сўров иштирокчиларининг катта қисми Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб ҳисоблайди.**

Ўзбекистон Республикаси Проезидентининг 2018 йил 4 июлда қабул қилинган “Давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сонли қарорида жамоатчилик кенгашига давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Ижтимоий сўров ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

Сўров иштирокчиларининг **28** фоизи Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас деб овоз берганлигини эътиборга олган ҳолда **Жамоатчилик кенгаши тизимда коррупцияга қарши курашишни кучайтириш бўйича раҳбариятга таклифлар киритади.**

Ахборот хизмати

Сайтдаги манзили: <https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/12366/>